O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MATBUOT VA AXBOROT DAVLAT QO'MITASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
23 июнь
ШАНБА
№ 51
(11.958)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

КИЧИК ОЛИМПИАДАНИНГ КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари спортчиларининг «Универсиада – 2007» мусобақаларининг тантанали очилиш маросими ўзининг гўзаллиги, шодликларию ҳаяжонлари кўлами билан Олимпиада ўйинларидан кам эмаслигини кўрсатди. Бугун пойтахтимиз байрам либосида, қувончлар оғушида.

Республикамиз талаба ёшларининг анъанавий IV Универсиадаси муносабати билан бу ерда кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Кўрк очиб турган замонавий ва улуғвор биноларга ҳамоҳанг, жаҳон андозалари талабларига мос кўплаб спорт иншоотлари, ўйингоҳлар қурилди. Ўйингоҳу сайлгоҳлар атрофи ободонлаштирилиб, гулзорлар барпо этилди.

21 июнь куни эса анъанага кўра «Универсиада – 2007» машъаласи Паркент туманидаги «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси материалшунослик институтида қуёш нурларидан ўт олдирилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, спорт фахрийлари, талаба-ёшлар иштирок этди. Давлатимиз мадҳияси садолари остида машъалани ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпиони Руслан Носиров ҳамда кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Мўътабар Муҳамедова майдонга олиб кирди. Шундан сўнг уни вилоятимиз вакили, ёзги биатлон бўйича Осиё чемпиони Дилафрўз Имонҳусанова олиб, пойтахтимиз сари йўлга тушди.

Йўл-йўлакай шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Жумладан, Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор қўрғонида, Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» истироҳат боғида ҳамда Роҳат кўли яқинида ўтган шундай тадбирларда таниқли шоир ва ёзувчилар, спортчилар ҳамда санъаткорлар иштирок этди.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими «Ёшлик» спорт мажмуасида ўтказилди. Бу ерга йиғилган минглаб мухлислар бирин-кетин ўйингоҳга кириб кела бошлаган универсиада иштирокчиларини гулдурос қарсак ва олқишлар билан кутиб олдилар. Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев «Универсиада – 2007» спорт байрамини очиқ деб эълон қилди ва барча қатнашчиларни табриклаб, уларга омад тилади. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раисининг биринчи ўринбосари Гулруҳ Аъзамова Юртбошимизнинг универсиада қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Таниқли эстрада усталари ижро этган куй-қўшиқлар маросимга янада тантанавор руҳ бағишлади.

Энди бевосита спорт турлари бўйича вилоятимиз терма жамоаси қўлга киритаётган натижаларга ўтсак. Стол тенниси баҳслари қизғин ва шиддатли кечмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятимиз вакиллари бошқаларга нисбатан ўз маҳоратлари ва тажрибалари анча устунлигини намойиш этишяпти. Улар икки кунлик баҳслар давомида Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Наманган ҳамда Андижон ёшлари билан бўлган учрашувларда ғалабага эришиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Ушбу тур бўйича яккалик баҳслари давом этяпти.

– Ғалабага эришишимиз осон бўлгани йўқ, – дейди стол тенниси бўйича вакиламиз Алия Исмоилова. – Бунинг учун барчамизнинг бирдамлигимиз, ахиллигимизу ҳамда мақсадимизнинг ягоналиги ёрдам берди. Қолаверса, Президентимизнинг спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табриги руҳиятимизга кўтаринкилик, кучимизга куч бағишлади. Унда таъкидланганидек, ушбу мусобақалар миллионлаб ёшларимиз учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Миллий кураш беллашувларида полвонларимизнинг вилоят шарафи учун кўп тер тўкишларига тўғри келди. Давлат Хўжамуродов (66 кг), Баҳром Жовлиев (100 кг) ҳамда Шуҳрат Муродов (+100 кг) бронза медали соҳиби бўлишди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги Ўзбекистон Миллий университети ёпиқ сув ҳавзасида сузиш мусобақалари ўтказилмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, 50 метрга брасс усулида сузиш бўйича ангренлик Данил Коваль ҳамда Виктория Гаратчанина бронза медалларини қўлга киритишди.

– Биз Универсиада ўйинларида нафақат яхши натижа, балки кўплаб дўсту биродарлар ҳам орттиришни ният қилганмиз, – дейди 200 метрга эркин усулида сузиш беллашувларида 2-ўринни эгаллаган вакилимиз Никита Кирянов.

– Тошкент вилояти пойтахтга энг яқин бўлганлиги боис мусобақаларда фақатгина иштирокчи сифатида қатнашаётганимиз йўқ, – дейди вилоят футбол жамоаси ҳужумчиси Дилшод Исломов. – Мезбонлар билан елкама-елка туриб, «ярим мезбонлик» вазифасини ҳам бажараяпмиз. Бошқа вилоятлардаги тенгдошларимизга пойтахтимизда юз бераётган янгилик ва ўзгаришлар, бу ерда ёшлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида гапириб бераяпмиз.

– Ҳақиқатдан ҳам бу йилги «Универсиада» бошқаларидан кўп томонлама ажралиб турибди, – дейди волейбол жамоамиз аъзоси Дилором Эшонқулова. – Қониқарли шароит, самимий муносабат ҳамда одил ҳакамлик барчамизга куч бағишламоқда. Келгусида ушбу мусобақалар ўзбек спорти саҳифаларига янгиянги номларни киритишига ишончим комил.

Мусобақалар дастуридан ўрин эгаллаган бошқа спорт турлари бўйича беллашувлар ҳам қизғин давом этмоқда.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА:

«Универсиада – 2007» мусобақаларининг ҳар бир лаҳзаси қизғин кечмоқда.

Еркебой БОТИРОВ, Даврон АҲМАД олган суратлар.

Вилоят ҳокимлигида

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ ТАРАДДУДИ

Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова бошқарди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқармалари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этишди.

Тайёргарлик ишларини кучайтириш, мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, оммавий-маданий тадбирлар билан ҳар бир қишлоқ, ҳар бир маҳаллани қамраб олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидландики, учрашувлар, суҳбатлар, маърузалар давр хусусиятини тўлақонли ёритиб бериши, одамларнинг маънавий камолотига хизмат қилиши керак.

Йиғилиш тегишли қарор қабул қилди.

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Вилоят давлат педагогика институтида Миллий мафкура ва маънавият тарғибот методологик маркази иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур марказни маънавий-маърифий жабҳада тарғибот-ташвиқот олиб борувчилар учун кенг кўламда методик кўмак берувчи зиё маскани сифатида эътироф этиш мумкин.

Марказ ишини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш учун олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари жалб қилинди. Яна бир эътиборли жиҳати, академия марказга яқиндан кўмаклашиш мақсадида уни турли илмий-услубий қўлланма ва рисолалар, кўргазмали тарғибот воситалари билан таъминлади.

Алишер РАҲМАТОВ.

ЭНГ ЯХШИ ХОДИМ

Тошкент туманида Мустақиллик байрамининг 16 йиллигига бағишлаб «Энг яхши ижтимоий соҳа ходими» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Туман ижтимоий таъминот бўлими ходимларидан бир гуруҳи иштирок этган тадбирда барча шартларни муваффақиятли бажарган Фарида Муслимова танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ғолибларга ҳомий ташкилотларнинг совға ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Икром МЎЙДИНОВ.

САМАРҚАНДГА САЁҲАТ

Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурига асосан шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшган 30 нафар меҳнат фахрийси учун Самарқандга сайёҳат уюштирди.

– 2750 йиллик юбилейи арафасида янада кўркам ва жозибали қиёфа касб этган Самарқанднинг тарихий обидалари, музейлар биз, фахрийларда катта таассурот қолдирди, – дейди Ҳалима ая Мамбетова. – Кексайганда шундай эътибор ва ғамхўрлик кўриб, юртимизнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат этишимизга шарт-шароитлар яратиб бераётган давлатимиздан, жумладан, шаҳар ҳокимлигидан миннатдормиз.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳаллийлаштириш ва тармоқлараро кооперациялаштириш дастурининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

ДАСТУР ТАҚДИМОТИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, авиация ва трактор-созлик корхоналари, шунингдек, тармоққа алоқадор бошқа акциядорлик жамиятлари раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилганлар комбинатнинг келгусидаги режалари ҳамда тарихий музей экспонатлари билан танишишди.

Мўмин ИБОДОВ.

Тадбир

МОҲИЯТИ КЕНГ ТУШУНТИРИЛДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаши республика Президентининг барча турдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид қатор фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш мақсадида изчил амалий тадбирлар ўтказмоқда.

Хусусан, вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган жадвалга мувофиқ шу йил 21 майдан 14 июнгача бўлган даврда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий ҳокимликлар, солиқ, статистика, ички ишлар идоралари, рўйхатга олиш инспекциялари ходимлари иштирокида семинар-мулоқотлар ўтказилди.

Кўп кунлик тадбирларда монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, адлия, божхона, солиқ, давлат мулкини бошқариш, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, ер ресурслари ва кадастр бошқармалари, Марказий банк вилоят бошқармаси, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, савдо-саноат палатаси, вилоят давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази раҳбарлари иштирок этдилар.

Мулоқотлар давомида Президентнинг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этиш, тақдим этиладиган ҳисобот тизимини мукаммалига етказиш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш, тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирларига оид фармон ва қарорларининг мақсад ва моҳияти атрофлича тушунтирилди.

Тадбир давомида фармон ва қарорлар юзасидан берилган саволларга мукаммал жавоблар қайтарилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келаётган муаммолар жойларда мутасадди ташкилотлар томонидан ҳал қилинди.

Семинар-мулоқотлар якунида вилоят шаҳар ва туманлари ҳокимлари раҳбарлигида ҳар ҳафтанинг бир кунини «Тадбиркорлар куни» деб эълон қилиб, улар билан учрашувлар ўтказиш, муаммоларини ҳал этиш ёки вилоят ва республика миқёсида ҳал қилинадиган муаммолар юзага келган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашига мурожаат этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

26 июнь – Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни

КЕЛАЖАК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Гиёҳвандлик – наркотик моддаларни истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган касаллик. Унинг оқибатида танадаги барча аъзо ва тизимларда тузалмас дардлар пайдо бўлади.

Гиёҳванд моддалар инсоннинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатиб, шахснинг салбий томонга ўзгаришига сабабчи бўлади. Оқибатда бу ўлим билан тугайди. Шу боис ҳам кейинги пайтда «Гиёҳвандик – аср вабоси» деган ибора тез-тез ишлатилмоқда.

Наркомания нима ўзи? Тиббиётда наркотик дорилардан оғир беморлар дардини енгиллаштириш, кучли оғриқларни қолдиришда фойдаланилади. Аммо унинг нохуш томони шундаки, тана бу «дори»ларга тез ўрганиб қолиши, кейинчалик кўпроқ миқдорда талаб қила бошлаши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Адвокатура тўғрисида»ги ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунлари мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, вазирликлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатура, шунингдек, юридик таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган мақсад жорий йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан ўтказилган адвокатура фаолиятига оид қонунлар мониторинги натижаларини атрофлича муҳокама қилиш, ушбу қонунларни амалиётда қўллаш давомидаги мавжуд камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда шу асосда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, юридик таълим ва илмий тадқиқот муассасаларидан адвокатурага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олинган таклифлар, шунингдек, статистик маълумотларнинг таҳлили хусусида кенг тушунтиришлар берилди.

Иштирокчилар томонидан адвокатурага доир қонунлар ва уларни амалда татбиқ этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар қабул қилинди.

Болалар ёзи – 2007

«ҚУВНОҚ ҚУТҚАРУВЧИ» ЎЙИНЛАРИ

Фарзандларимизнинг ёзги таътили мароқли ўтиши оромгоҳларда яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Дам олувчиларнинг хавфсизлигини тўла таъминлаш мутасадди ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Болаларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш, ёзги оромгоҳларда юз бериши кутилган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳамкорликда ҳаракат қилувчи кучларнинг вазифаси белгилаб қўйилди.

Бошқармамиз ходимлари вилоят ва туман идоралари раҳбарлари, оромгоҳларнинг мутасаддилари билан ҳамкорликда ўтказган рейдлар натижасида Паркент тумани Невч қишлоғидаги «Қизилсой», Бўстонлиқ тумани Хўжакент қишлоғидаги «Геолог», «Ғунча» оромгоҳларига олиб борувчи асосий автомобиль йўлларида 150 метр узунликда кўчки содир бўлиш хавфи борлиги аниқланди.

Болажонларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш билан бирга фавқулодда вазиятлар бўйича билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиб боришлари жуда муҳим. Айнан мана шу мақсадда оромгоҳларда ҳар куни бир соатдан хавфсизлик асослари бўйича турли машғулотлар мунтазам ўтказилади. Бу эса, ўз навбатида дам олувчиларнинг фавқулодда вазият ҳамда унинг оқибатлари ҳақида етарли маълумотларга эга бўлиб боришини таъминлайди. Шунингдек, ҳар бир оромгоҳда «Фуқаро муҳофазаси куни» тадбирлари ҳамда «Қувноқ қутқарувчи» болалар ўйинлари ташкил этилади.

Айни кунларда ёзги оромгоҳлар ҳолати ўрганилиб, хавфсизликни таъминлаш бўйича тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берилмоқда.

Ўз навбатида ота-оналар ҳам фарзандлари дам олаётган оромгоҳга борганларида бу ердаги барча қонун-қоидаларга тўлиқ риоя қилишлари зарур. Чунончи, тақиқланган жойларда анзарали ерларда гулхан ёқиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш қатъиян ман этилади.

Умида ҲАСАНОВА,
вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ахборот гуруҳининг етакчи мутахассиси.

Юртимиз барча жабҳалар сингари туризм соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга мамлакат. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини асл ҳолича ўрганиш, қадимий ёдгорликларимиз ва маданий обидаларимизни асраб-авайлаш, бетакрор табиатимизни муҳофазалаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

ЁШЛАР ВА ТУРИЗМ

Кенгаш томонидан пойтахтимизда ташкил этилган мамлакатимизда туризмнинг шаклланиши ва унинг маданий ҳаётимиздаги ўрнига бағишланган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирда олимлар, мутахассислар, бошланғич ёшлар ташкилотлари вакиллари ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Анжуманда юртимизда туризм соҳасини янада ривожлантириш истиқболлари ва унинг улғайиб келаётган авлод камолотидаги ўрни, ёшларни туризмга жалб этиш борасида ёшлар ташкилотлари олдида турган вазифалар, халқаро иқтисодий муносабатлар ва сайёҳлик, инновацион технологияларнинг туризмни ривожлантиришдаги ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Фахрийларимиз

УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳар қандай жамиятнинг келажаги ёш авлоднинг қандай таълим олишига ва қай тарзда тарбияланишига дахлдор бўлади. Шахс маънавиятини тарбиялаш ва ривожлантириш, энг аввало, оиладан бошланиб, мактабда давом эттирилади. У ерда ширинсўз устоз-мураббийлар болаларни бағрикенглик билан илм-фан дурдоналаридан баҳраманд этишади. Шу боис, давраларда устоз ҳақида гап кетса, аввало, мана шу даргоҳдаги мураббийларимизни ёдга оламиз.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган устоз-мураббий, ярим асрдан зиёд маорифга фидойилик қилиб келаётган Атоулла Исахонов. У пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 106-мактабда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ бериб келмоқда.

Унинг болалик чоғи иккинчи жаҳон уруши даврларига тўғри келди. Шу боис 1944 йилдагина мактабга бориш имкони туғилди.

Бу пайтга келиб, Атоулла 11 ёшга қадам қўйганди. Ҳарф таниш, илм ўрганиш унга ўсмирлик чоғида асиб этганига қарамай, китобни севди, ундан завқ олиб улғайди. Бу интилишу иқтидори тез орада кўзга ташланиб қолди. Дастлаб синф кенгаши раиси, юқори синфга ўтганда эса, бошланғич синфларга етакчилик қила бошлади. Ундаги мана шу ҳаракатлар, кейинчалик ҳаёт йўлини танлаш, севимли касб эгаси бўлишга замин яратган бўлса ажаб эмас.

Ёшликда туғилган истак уни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига чорлади. 1954 йили физика-математика факультетининг кечки бўлимига ҳужжат топширди. Унда мактабдаги устози Қосим Юсупов сингари математика фани ўқитувчиси бўлиб, ёшларга илм, меҳр бериш иштиёқи кучли эди. У талабалик йилларидаёқ Шайхонтоҳурдаги 85-мактабда бош етакчи ҳамда математика фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлади.

– Биз ҳали ёш, айни ўйинқароқ даврларимизда устозимиз Атоулла Исахонов таълимини олишга муяссар бўлганмиз, – дейди устознинг шогирдларидан бири – вилоят ўсма касалликлари диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдулла Абдуҳакимов. – Уларда талабчанлик, жиддийлик, оталарча ғамхўрлик каби хислатлар мужассам бўлганлиги сабабли ҳар биримиз тез орада бир жон, бир тан бўлиб кетганмиз. Қисқа даврда синфимиз ўқувчиларининг ўртача ўзлаштириш даражаси юқори бўлишига эришганлар. Тез орада уларнинг ғайрат-шижоати ва таклифига кўра, нафақат мактаб, қолаверса, бутун туманда ягона бўлган, махсус йўналишли чуқур билим беришга ихтисослашган синф ташкил этилди. Пировардида улар жонбозлик билан ташкил қилган синф ўқувчиларининг ўндан зиёди мактабни олтин ва кумуш медаллар ҳамда мақтов ёрлиқлари билан тамомладилар.

Ҳозирги кунда шогирдлари орасидан етишиб чиққан таниқли иқтисодчилар, олим ва ўқитувчилар, учувчи, ҳарбийлар ҳамда санъат, маданият намоёндалари бугунги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида изчил фаолият кўрсатмоқдалар.

Атоулла Исахонов узоқ йиллар давомида самарали фаолият олиб бориб, олий тоифали математика ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси унвонларига сазовор бўлди. Шогирдлари билан учрашганида устозга бўлган иззат-ҳурматни кўриб, у ҳамиша мамнунлик ҳиссини туяди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

КАРТОШКА МЎЛ БЎЛАДИ

Мамлакатимизда картошкачиликни янада ривожлантириш, янги ҳосилдор навларни яратиш, деҳқонларни сифатли уруғлик билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, кечки картошка ҳосилдорлигини ошириш ва навларни янгилаш мақсадида бу йил юртимизга Голландиядан 5 минг тонна элита картошка уруғи келтирилди.

Ҳар йили юртимизда 52 минг гектар майдонда картошка етиштирилади. Шунинг қарийб 5 минг гектарига кечки картошка экилади. Экиш учун тайёрланган қарийб 35 минг тонна уруғлик картошканинг ҳозиргача йигирма тўққиз минг тоннаси экиб бўлинди.

– Кечки картошка учун етти гектар ер ажратдик, – дейди Занғиота туманидаги "Ёрдамчи" фермер хўжалиги раҳбари Раҳматилла Йўлчиев. – Ўтган йили бир гектар майдондан 20 тоннагача ҳосил олган эдик. Жорий йилда экиш учун Голландиядан келтирилган картошканинг элита уруғидан 15 тонна сотиб олдик. Биз ундан келгуси йил учун уруғлик етиштирмоқчимиз.

ЎзА.

«КУМУШКОН» ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАДА

Шундоққина тоғ бағрида жойлашган «Кумушкон» вилоятдаги энг сўлим, баҳаво, соя-салқин дам олиш оромгоҳлардан бири. Бу ёпиқ акциядорлик жамиятида ҳозир капитал реконструкция ишлари қизғин бормоқда. 200 га яқин бунёдкор 43 та коттежни тўлиқ Европа андозасида қайта таъмирлаяпти.

Янгидан газ ва ичимлик суви қувурлари тортилмоқда. Бундан ташқари чиқинди қувури ҳам ётқизилмоқда. Мақсад – оромгоҳ ҳудудининг орасталигини сақлаш ва чиқиндиларни белгиланган жойга етказишдир.

«Кумушкон» нафақат ёзги дам олиш, балки, қишки мавсумга ҳам мослаб реконструкция қилинмоқда. Шу мақсадда иситиш тизими ҳам барпо этиляпти.

Қарийб 70 гектардан зиёд майдонни эгаллаган оромгоҳдаги дарахтлар ва тоғ буталари тартибга келтирилмоқда. Қуриган шохлар кесилиб, шакл берилмоқда. Шунингдек, анчадан буён фойдаланилмай ётган чўмилиш ҳавзаси ҳамда сауна жаҳон андозалари асосида қайта тикланмоқда.

– «Кумушкон»нинг ҳавоси тоза бўлгани учун бу ерга оиламиз билан ҳар йили дам олишга келамиз, – дейди Нодирбек Қиличев. – Ҳозир бу ердаги қурилиш ишларини кўриб, қувониб турибман. Энди ҳаммаси табиат инъом этган бебаҳо муҳитга муносиб бўлади.

– Ниятимиз «Кумушкон»ни туристлар масканига айлантириш, – дейди тадбиркор Баҳодир Назиров. – Шу сабаб шарт-шароитни имкон даражасида жаҳон андозасига тенглаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Замонавий жиҳозлар келтирганмиз. Дам олувчиларга ўзбекона меҳмоннавозлик кўрсатиш мақсадида бир йўла қарийб 600 кишини қабул қила оладиган чойхона қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Сабрина ЗОКИРОВА,
академик лицей талабаси.

Галла – 2007

Вилоятимизда ғалла ўрими авж паллага кирган бир вақтда дон қабул қилувчи шахобча ва омборларда ҳам иш қизғин. Фермер хўжаликлари далаларидан йиғиштириб олинаётган дон юк машиналарида, пешма-пеш хирмонга тўкилмоқда.

САЛМОҒИ ТОШ БОСАЯПТИ

Малакали мутахассислар келтирилган донни тарозидан ўтказиб, сифати бўйича навларга ажратаётирлар.

Бу мавсум «Ғалла-алтег» очиқ акциядорлик жамиятининг Янгийўл туман бўлими жами 430 та фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган 21 минг 705 тонна донни қабул қилиб олади. Айни кунгача унинг қарийб 9 минг тоннаси келтирилиб, омборларга жойланди. Бўлимнинг 40 га яқин ишчи хизматчиси мавсум масъулиятини тўлиқ ҳис этиб, туну кун фермерлар мушкулини осон қилиш ҳаракатида.

– Бу йил давлат эҳтиёжлари учун ғалла етказиб бериш контрактация шартномасини туманда биринчи бўлиб уддаладик, – дейди «Мавлуда-барака-зиё» фермер хўжалиги раҳбари Мавлуда Бўтаева. – Ўртача ҳосилдорлик 47 центнердан тўғри келмоқда. Хирмонга зиммамиздаги улушдан анча орттириб, 83 тонна сара ҳосил етказиб беришга муваффақ бўлдик.

Шунингдек, тумандаги «Қодирали раис», «Ниёзбош – келажак» каби бир қатор фермер хўжаликлари деҳқонлари ҳам контрактация шартномаларини ортиғи билан бажариб, туман хирмонига барака киритдилар.

СУРАТДА:

лаборант Валентина Ермашкина келтирилган дон сифатини назоратдан ўтказмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

КЕЛАЖАК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Гиёҳванд моддаларни қайта-қайта, баъзи ҳолларда, ҳатто, бир марта истеъмол қилиш натижасида инсонда руҳий ва жисмоний тобелик юзага келади. Уни қабул қилмаган пайтда кайфият тушиб кетиши, бош оғриғи, умумий ҳолсизлик пайдо бўлиши кузатилади ва бемор яна оғуни қабул қилишни истаб қолади.

Вақт ўтиши билан унинг таъсирида танада, энг аввало, асаб тизимида ўзгаришлар юзага келади. Одам тез жаҳли чиқадиган, яхши ухлай олмайдиган, кайфияти тез ўзгарадиган бўлиб қолади. Бемор ҳар сафар миқдорни ошириб боради, чунки, аввалги миқдорда қабул қилинган оғу етарли даражада таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун бемор ҳар сафар миқдорни оширишга мажбур бўлади. Гиёҳванд модда топа олмаган пайтларда абстиненция синдроми юзага келади. Бу пайтда гиёҳванд кимса ҳар қандай тубанликка тайёр бўлиб қолади. Сабаб, ўзини жуда ёмон ҳис қилиб, боши, қўл-оёқлари, қолаверса, бутун танаси кучли оғриқлар исканжасида қолади, ич кетиши, қусиш, ҳаво етишмаслик аломатлари кузатилади. Гиёҳванд модда қабул қилинмаса ёки ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Гиёҳвандлик моддаларини пала-партиш истеъмол қилиш натижасида, айниқса, томирига ифлос шприц ёрдамида юборишда турли касалликлар, жумладан, ОИТС нинг юқиш хавфи ортиб боради.

Наркотик моддалар қабул қилишга ҳеч кимни биров мажбур қилмайди. Аслида ўзини нохуш ишлардан тия оладиган, бошқаларга эргашиб кетавермайдиганларни иродаси кучли, деса бўлади. Чунки, гиёҳвандлик энг кучли, энг ақлли ва энг идрокли инсонларнинг ҳаётини ҳам издан чиқаришга қодир. Ҳозир дунё бўйича бу иллатга қарши кескин кураш чоралари қўлланилмоқда. Мамлакатимизда ҳам гиёҳвандлик моддаларини сақлаш ва сотиш қонун томонидан тақиқланган.

Аввало, ота-оналар, ёшларнинг ўзи огоҳ бўлишлари лозим. Қаерда бу «қора муҳит» мавжуд бўлса, у ердан ҳақиқат, адолат кутманг. Ҳар қандай ҳолатда турли баҳона билан қизиқиш, мақтаниш ёки дўстга ҳамдардлик учун ёлғизликда ёхуд гуруҳ ичида гиёҳванд моддаларни қабул қилишдан сақланинг. «Биринчи ва охирги марта» деб синаб кўрилганда ҳам, унинг домига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Эсингизда бўлсин, сизга наркотик тутган ҳар қандай одам бундан моддий наф кўришга интилади. Ўз соғлиғингизни бировлар даромади эвазига қурбон қилманг.



Абдулла СЕЙИДОВ,
вилоят наркология диспансери бош шифокори, бош нарколог.

Сабоқ

Кўҳна Турон замини азал-азалдан кўплаб дунёвий ва диний илмларга асос солган алломаларга бешик бўлиб келган. Айниқса, алломаларимизнинг Қуръон тафсири, ҳадиссунослик, фиқҳ, диний таълимотлар борасидаги асарлари ислом оламида юксак қадрланади. Ана шу илмлар самараси ўлароқ, юртимиздан Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро сингари тасаввуф тариқати намояндалари етишиб чиқди. Улар ўз таълимотлари орқали инсонларни комиллик сари ундаб, Аллоҳни севиб, унинг ризосига ноил этувчи амалларни бажаришга тарғиб этдилар. Асл тасаввуф таълимоти ислом шариати аҳкомларини тўла эътироф этган ҳолда, кишиларнинг ахлоқий фазилатларини такомиллаштириш йўл-йўриқларидан бири экани ушбу алломалар асарларида акс этган.

Сохта эшонларнинг яна бир даъвоси шуки, гўёки пирга қўл берган инсон зиммасидаги қазо намозларидан соқит бўлар эмиш. Аслида намоз Аллоҳнинг бандаларига буюрган фарзи, намоз ибодатдир. Уни адо этиш ҳар бир мусулмон учун бурч ҳисобланади.

ТАСАВВУФ ВА УНДА «ПИР»ЛАР ТОМОНИДАН ЎЙЛ ҚЎЙИЛАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАР

бу «пир»ларнинг «тавсиялари» кишиларни ҳидоят нуридан узоқлаштириб, ғофиллик ботқоғига ботирмоқда

Аммо бугунги кунга келиб баъзи сохта эшонлар пайдо бўлдиларки, улар ўзларининг номақбул хатти-ҳаракатлари билан муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқдалар. Улар асл моҳиятдан узоқлашиб, ҳатто Қуръони карим ва суннати набавий асосида ташкил топган ислом шариатига ҳам тажовуз қилмоқдалар. Сохта эшонлар қилаётган даъволардан киши ҳайратга тушади.

Масалан, уларнинг қиблани Қўқонга кўчириш ҳақидаги «ғоя»ларини қандай изоҳлаш мумкин? Тарихга назар солсак, ҳатто «икки олам саркори» деб эъзозланган Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам бунга жазм этмаганлар. Қалблари ила Маккаи мукаррамага қараб намоз ўқимоқни хоҳласалар-да, Аллоҳдан амр келмагани учун Қуддуси шарифга юзланардилар. Ҳижратнинг иккинчи йили Ражаб ойининг ўрталарида Расули акрам (с.а.в.) Қуддуси шарифга қараб пешин намозини адо этаётган чоғларида Каъбага юзланиш амри берилди: ***«Гоҳо юзингизни*** (ваҳий кутиб) ***осмон бўйлаб ўгириб туришингизни кўраяпмиз.*** (Хотиржам бўлинг) ***Сизни ўзингиз рози бўладиган қибла*** (Каъба)***га*** (юз) ***ўгиртирамиз. Юзингизни масжиди Ҳарам*** (Каъба)***га буринг!..»*** (Бақара, 144).

Ўн тўрт аср муқаддам Аллоҳ тарафидан берилган фармони илоҳий шу кунга қадар амалда. Ислом дини шундай мукаммалки, унга ўзгартириш киритишга мутлақо ҳожат йўқ. Бу борада Аллоҳ таолонинг ўзи Қуръони каримда: ***«Бугун сизларнинг динларингизни комил қилиб бердим»,*** деб марҳамат этган. Қиблани ўзгартириш даъвоси эса Аллоҳ таоло амрига қарши чиқиш билан баробардир.

Сохта эшонларнинг муридларига нисбатан даъволаридан яна бири «пирга қўл бермаганларнинг намозлари қабул эмас» қабилида бўлмоқда. Аслида шариатимиз амрига биноан имон калимасини келтирган кимсани, гарчи у бошқа амалларни бажармаса-да, кофир деб аташ мумкин эмас. Киши бирор биродарини «кофир» деб атаса-ю, бу сўзи ўз тасдиғини топмаса, ўша кишининг ўзи имондан ажралиб қолиши мумкинлигини Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифларида айтиб ўтганлар. Бунинг устига, ислом дини шариатида фарз ва суннат амалларининг бажарилиши қатъий қилиб белгиланган.

Сохта эшонларнинг яна бир даъвоси шуки, гўёки пирга қўл берган инсон зиммасидаги қазо намозларидан соқит бўлар эмиш. Аслида намоз Аллоҳнинг бандаларига буюрган фарзи, намоз ибодатдир. Уни адо этиш ҳар бир мусулмон учун бурч ҳисобланади. Агар инсон бирор сабаб билан намозларини ўқий олмаса, бошқа бир бандани восита қилиб бу фарздан кечиб юборилиши мумкин эмас. Намоз Аллоҳнинг ҳаққи, у бандаси томонидан энг комил пирга қўл берган тақдирда ҳам адо этилиши лозим. Аллоҳнинг ҳаққидан фақатгина унинг ўзи кечиши мумкин.

Ҳар бир банда Холиқи зулжалолнинг қошида бир хил мақомга эга. Лекин сохта пирлар атрофида тўпланганлар ўзларининг ана шундай шарафга ноил эканлигини ҳам унутиб қўймоқдалар. Инсон зоти фақатгина қалбдаги тақво боис азиз тутилиши илоҳий калималарда ўз аксини топган: ***«... Албатта, Аллоҳ наздида*** (энг азизу) ***мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва хабардор зотдир»*** (Ҳужарот, 13). Лекин ўзларини тасаввуф тариқатининг вакили деб билаётган айрим кимсалар Қуръони каримнинг бу оятига хилоф иш тутмоқда. Улар пир таҳорат олган сувни муқаддас билиб, ҳатто ўша сувни истеъмол қилмоқда. Астағфируллоҳ! Аслида бу дунёдаги энг муборак зот Расули акрам (с.а.в.)дир. Аллоҳ таоло: ***«Эй Муҳаммад, агар сени яратмаганимда, дунёни яратмас, Аллоҳлигимни ошкор қилмас эдим»*** деган илоҳий калимасида Расули акрам(с.а.в.)га энг юксак баҳони берган. Ҳаттоки ана шундай муқаддас зот тарихида ҳам бундай ҳолат, яъни ул мукаррам зот таҳорат олган сувнинг бошқалар томонидан ичилгани ҳақида бирон маълумот учрамайди. Агар инсон бу каби амаллар билан Яратганнинг розилигини қозона олганда эди, бу ишни энг аввало саҳобаи киромлар қилган бўлардилар. Бугун ўзини мутасаввиф сановчи баъзи кимсаларнинг таълимотларини синчковлик билан кузатар эканмиз, уларнинг баъзан насронийликка мансуб оқимлардан таъсирланганлигига шоҳид бўламиз. Жумладан, уларнинг фикрича, оддий инсоннинг ноласи Аллоҳ таолога етиб бормайди, ўртада воситачи керак. Яъни, насронийлик таълимотига кўра, бандалар Яратган олдида ўз гуноҳларидан кечиб беришини руҳонийлардан сўрайдилар. Тавба-тазарруни ҳам Яратганнинг ўзига эмас, руҳонийларга қиладилар. Айни шу усул сохта эшонлар фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда. Ваҳоланки, ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло марҳамат қилиб: ***«Бандам мени ёлғиз ҳолда эсласа, мен ҳам уни ёлғиз ҳолда эслайман. Агар мени жамоат орасида эсласа, мен ҳам уни ундан-да яхшироқ жамоат*** (фаришталар) ***орасида эслайман»,*** дея бандининг Аллоҳни ҳар бир ёдга олиши ҳам унинг наздидан четда қолмаслиги айтилган. Бундан ташқари, Қуръони каримда, ҳадиси шарифларда ҳам Аллоҳдан чин дилдан сўралган дуолар ижобат бўлиши, ҳар бир бандани ўзи Аллоҳга дуо қилиб, эҳтиёжларини сўраши мумкинлиги таъкидланган. Сохта эшонлар ва улар атрофидаги кимсаларнинг бу каби макруҳ ишларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин: таҳажжуд намозини фарз деб ният қилиш, бу дунёда Аллоҳ жамолига муяссар бўлиш каби сохта даъволар ҳам ана шундай асоссиз ва шариатимизга зиддир. Аслида тасаввуф инсонни ислом дини аҳкомларидан четга чиқмаган ҳолда Аллоҳ ризосига эриштирмоғи лозим. Сохта эшонлар ва уларнинг муридлари мисолида эса бунинг аксига дуч келмоқдамиз. Улар Аллоҳ таолонинг ризосини эмас, қаҳрини келтирадиган амаллар билан машғул. Тасаввуф йўлини тутиб комилликка интилган, савобталаб киши энг аввало ислом олами тан олган алломаларимиз ҳаётидан ибрат олиб, асарлари билан танишиб, қолаверса, сохта пирга қўл беришдан аввал унинг таълимоти ҳақида суриштириб кўриши лозим. Акс ҳолда савоб умидида қилган амалларининг натижаси имон бутлигининг бузилиши, қалб заҳмати ва дўзах оташи билан якун топмоғи эҳтимол.

Илоҳим, Аллоҳ барчамизни тўғри йўлдан адашишдан сақлаб, ҳидоятда собитқадам бўлишликни насиб айласин.

Убайдулла УВАТОВ,
тарих фанлари доктори.
«Маҳалла» газетаси,
2007 йил 6 июнь.

Айни кунларда минглаб битирувчилар жонажон мактаблари билан хайрлашиб, коллеж ва олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонларига тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Ўртачирчиқ туманидаги 5-умумтаълим мактаби битирувчилари қайси олий ўқув юртини танлаш масаласида ўзларининг биринчи устозларидан маслаҳат олишни эсдан чиқармадилар.

– Боланинг нимага қизиқиши ёшлигида яққол кўриниб туради, – дейди Мавлуда Хонтўраева. – Лекин катта бўлган сари бу туйғу яшириниб боради. Шунинг учун ўзим илк сабоқ берган ўқувчиларимга катта ҳаётга қадам қўйишлари олдидан қайси касб эгаси бўлишга иқтидорлари борлигини бир бор эслатиб қўяман.

СУРАТДА:

Мавлуда Хонтўраева битирувчилар даврасида.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 25

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Таҳлилнома».
8.50, 17.15, 1.35 Олтин мерос.
9.00 «Қизил қор ёққанда». Б/ф. «Қундуз амакининг қиссалари». М/с.
10.30 «Одами эрсанг»
10.50, 3.50 «Самарқанд – 2750».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
11.15 «Қуёш шаҳри».
11.25 «Олтин бешик».
11.55, 12.55, 2.05 «Ўтган замон ҳангомалари». Спектакль.
13.45 Вилоят навлари.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Мозий сирлари».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Ҳаёт ва қонун».
17.45, 4.55 «Марғилон – 2000».
17.55 «Оҳанглар оғушида».
18.05 «Келажакка эркин фикр билан».
18.35, 5.00 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Т/с.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Юртим кишилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Уч бека». Т/с.
21.40 «Бир ўлка-ки».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Икки тақдир». Т/с.
23.55 Тунги наволар.
00.20 «Хонобод».
00.35 «Муқаддас қадамжолар».
1.45 «Чемпион сирлари».
4.35 «Қулол меҳри».
5.05 Т/с «Шаҳзода ва канизак».
5.45 Тонгги наволар.

YOSHLAR

16.00, 19.00, 22.00 Давр.
16.15 «Бу байрам – барчамизники!».
16.20 «Универсиада – 2007» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими.
18.00 «Нафосат олами».
18.10 «Самарқанд – 2750 ёшда!».
18.15 «Мўъжизанинг яралиши». Ҳужжатли фильм.
18.25, 20.10 «UzEX хабарлари».
18.35 «Ғазал мулки».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.30 «Қор алангаси». Т/с.
20.15 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат».
20.30 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
20.40 Эълонлар.
20.50 «Зерда». Т/с.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Пуаро». Т/с.

TOSHKENT

17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Гвадалупе». Т/с.
19.30 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.15, 21.45 «ТВ юрист».
20.20 «Ажал чангали».
20.40 «Чекиш соғлиққа зарар».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Кино: «Кто Я?».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.00, 10.00 «Универсиада – 2007». Итоги.
9.30 «Детективы».
10.30 «Зимние игры животных».
11.25 «Кто на что горазд?».
11.45 Легкая атлетика. Кубок Европы.
18.00 «Детский спорт».
18.15 «Музыкальный тайм».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.55 «Королевы спорта».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Печорин». Т/с.
20.55 «Тет-а-тет».
21.05 «Футбольное обозрение».
21.50 «Единственному, до востребования». Х/ф.
23.30 ПрофРИНГ.

СЕШАНБА 26

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Ўйла, Изла, Топ!». «Қундуз амакининг қиссалари». М/с.
9.55 «Ҳаёт манзаралари».
10.10, 20.10 «Уч бека». Т/с.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 00.50 «Самарқанд – 2750».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 23.10 «Икки тақдир». Т/с.
12.10 «Наманган ширмойлари».
12.20 «КиноТеатр».
12.50, 22.00 «Муҳаббат гўшаси». Т/с.
13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
15.10, 4.55 «Марғилон – 2000».
15.15 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
16.00 «Бир ўлка-ки».
16.20 «Мозий сирлари».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «ИИВ хабарлари».
17.35 «Агар Сиз».
17.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Гиёҳвандлик – аср вабоси».
18.35, 5.00 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Т/с.
19.15 «Юртим кишилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Ажал сўқмоғи».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат», (SMS. Овоз бериш).
23.55 Тунги наволар.
00.20 «KINOMANIYA».
1.40 «Янги кун».
2.40 «Истеъдод».
3.15 «Назм ва наво».
4.35 «Геологик қўриқхона».
5.05 Т/с «Шаҳзода ва канизак».
5.40 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.30 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15, 20.50 «Зерда». Т/с.
9.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.20 Таътил туҳфаси: «Муз даври-1».
11.40, 18.35 «Ғазал мулки».
12.00, 22.50 «Пуаро». Т/с.
12.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00, 19.30 «Қор алангаси». Т/с.
16.15 «Бу байрам – барчамизники!».
16.20 «Ватанпарвар».
17.20 «Қонун ижроси».
17.30 «Мўъжизавий дунё».
18.20 «Давр мавзуси».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Аянч ва кулфат вабоси».
20.40 Эълонлар.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.30 «SMS-мусиқа».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Аёл қалби».
9.50, 12.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
10.00 «Ажал чангали».
10.20, 19.30 «Музыка SMS».
10.40 «Қурбақа малика». М/ф.
11.20, 20.50 «Интервью».
11.35 «Будьте здоровы».
11.45 «Всё о туризме».
12.25 Кино «Кто Я?».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Ҳимоя».
20.20 «Келажакка эркин фикр билан».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Милосердие».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Кино «Казино «Рояль».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.00, 9.50, 21.30 «Хабарлар».
9.20 «Детективы».
10.10 «Детский спорт».
10.25 «Тайная жизнь Коати». Д/ф.
10.50 Теннис. «Турнир Уимблдона».
11.40 Легкая атлетика. Кубок Европы.
18.00 Футбол. Чемпионат Узбекистана.
19.50 «Музыкальный тайм».
20.00 «Печорин». Т/с.
20.55 «Спорт – моя жизнь».
21.10 «Универсиада – 2007». Итоги.
21.50 «Футбол мундиал».
22.10 «Амрапали». Х/ф.

ЧОРШАНБА 27

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
8.40, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «Олтин тож». «Қундуз амакининг қиссалари». М/с.
9.55 «ИИВ хабарлари».
10.10, 20.10 «Уч бека». Т/с.
10.45 «Ҳаёт манзаралари».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 23.15 «Икки тақдир». Т/с.
12.00, 3.50 «Самарқанд – 2750».
12.05 «Ягона оилада».
12.25 «Одамлардан бири».
12.50, 22.05 «Муҳаббат гўшаси». Т/с.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
15.10 «Заковат».
16.15 «Мозий сирлари».
16.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.00, 4.55 «Марғилон – 2000».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.20, 5.00 «Минг бир ривоят».
18.25 «Ошин». Т/с.
18.55 «Фидойиликка бахшида умр».
19.15 «Юртим кишилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Масъул сўз».
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
24.00 «Ушалган орзулар».
00.25 Тунги наволар.
00.45 «Наманган ширмойлари».
1.40 «Янги кун».
2.40 «Ватанпарвар».
3.40 «Мисли гавҳар».
4.35 «Отбеги».
5.05 Т/с «Шаҳзода ва канизак».
5.45 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.30 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15, 20.50 «Зерда». Т/с.
9.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.20 Таътил туҳфаси: «Муз даври-2».
11.40, 18.35 «Ғазал мулки».
12.00, 22.50 «Пуаро». Т/с.
12.50 «Нафосат олами».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00, 19.30 «Қор алангаси». Т/с.
16.15 «Бу байрам – барчамизники!».
16.20 «Матонат».
16.35 «Самарқанд – 2750 ёшда!».
16.40 «Куйла, дилкаш дуторим!».
17.00 «Меъёр соғлик гарови».
17.20 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Мурувват».
17.30 «Мўъжизавий дунё».
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Истиқбол тимсоллари».
20.10 «Спортлото».
20.20 «Оқшом қўнғироқлари».
20.25 «Автопатруль».
20.40 Эълонлар.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.30 «SMS-мусиқа».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Келажакка эркин фикр билан».
10.10 «Ҳимоя».
10.25, 12.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
10.30 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.00 «Чип ва Дейл». М/ф.
11.40, 20.50 «Репортаж».
11.55, 19.30 «Музыка SMS».
12.25 Кино «Казино «Рояль».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Мисли гавҳар».
20.20 Мир животных.
21.00 «Жозиба».
22.10 «Юртим жамоли».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Кино «Астерикс и Обеликс: миссия «Клеопатра».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.00, 9.50, 21.30 «Хабарлар».
9.20 «Детективы».
10.10 «Детский спорт».
10.25 Автоспорт.
11.15 Теннис. «Турнир Уимблдона».
12.05 «Линии судьбы».
18.00 Футбол. Чемпионат Узбекистана.
19.50 «Музыкальный тайм».
20.00 «Печорин». Т/с.
20.55 «Живите долго».
21.15 «Универсиада – 2007». Итоги.
21.50 «Дув-дув гап».
22.40 Еврофутбол.

ПАЙШАНБА 28

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 12.00, 17.00, 19.30, 1.00, 03.00, 4.00 «Ахборот».
8.40, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос.
8.45 «Сеҳрли тун». Б/ф.
9.45 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.10, 20.10 «Уч бека». Т/с.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 00.50 «Самарқанд – 2750».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 23.10 «Икки тақдир». Т/с.
12.10 «Фавволар».
12.20 «Масъул сўз».
12.50, 22.00 «Муҳаббат гўшаси». Т/с.
14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Оҳанрабо».
16.00 «Қорақалпоқнома».
16.20 «Болалар дунёси». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Стандарт ва сифат».
18.30, 4.55 «Марғилон – 2000».
18.35, 5.00 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Т/с.
19.15 «Юртим кишилари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.55 «Буюк Ипак йўли».
00.15 Тунги наволар.
00.40 «Ҳаёт манзаралари».
1.40 «Янги кун».
2.40 «Қишлоқ ҳаёти».
3.15 «Ўлмас наволар».
4.35 «Тоғнинг гули ўзгача».
5.05 Т/с «Шаҳзода ва канизак».
5.50 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.30 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15, 20.50 «Зерда». Т/с.
9.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.20 Таътил туҳфаси: «Ўрмон аҳли».
11.40, 18.35 «Ғазал мулки».
12.00, 22.50 «Пуаро». Т/с.
12.50 «Мурувват».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00, 19.30 «Қор алангаси». Т/с.
16.15 «Бу байрам – барчамизники!».
16.20 «Автопатруль».
16.35 «Солиқ хизмати хабарлари».
16.45 «Ватаним!».
16.50 «Чемпион сирлари».
17.10 «Самарқанд – 2750 ёшда!».
17.15 «Тасвир ва таассурот».
17.30 «Мўъжизавий дунё».
18.20 «Кино-SMS».
18.25 «Сифат белгиси».
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 Эълонлар.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.30 «SMS-мусиқа».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Мисли гавҳар».
9.50, 11.35, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
9.55 Хор жамоасининг концерти.
10.05 «Интервью».
10.15 В дни летних каникул «Қизил гул».
10.55, 19.30 «Музыка SMS».
11.20 «Юртим жамоли».
11.45 Кино «Астерикс и Обеликс: миссия «Клеопатра».
17.55 М/ф «Шумтакалар».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Экономическое ревью».
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Келажакка интилиб».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Кино «Как жениться и остаться холостым».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.05, 9.55, 18.30 , 21.30 «Хабарлар».
9.25 «Детективы»
10.15 Автоспорт.
10.55 Рукопашный бой. Чемпионат мира.
11.25 Теннис. «Турнир Уимблдона».
12.15 Футбол. Чемпионат Узбекистана.
18.00 «Детский спорт».
18.15 «Музыкальный тайм».
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Вокруг света».
20.00 «Печорин». Т/с.
20.55 Дневник чемпионат Азии по шахматам.
21.05 «Универсиада – 2007». Итоги.
21.50 «Иллюзия полёта». Х/ф.
23.20 Еврофутбол.

ЖУМА 29

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 17.00, 19.30, 1.00, 4.00 «Ахборот».
8.40, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «Цирк, Цирк, Цирк». «Қундуз амакининг қиссалари». М/с.
9.40 «Табаррук замин».
10.10, 20.10 «Уч бека». Т/с.
10.45, 18.15, 5.00 «Минг бир ривоят».
10.50 «Юртим кишилари».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 23.15 «Икки тақдир». Т/с.
12.00 «Самарқанд – 2750».
12.05 «Тупроқдаги мўъжиза».
12.25 «Рангин дунё».
12.50, 22.05 «Муҳаббат гўшаси». Т/с.
13.45 «Зилол».
14.20 «Хайрлашув оқшоми». В/ф.
15.30 «Ҳаёт манзаралари».
15.40 «Қишлоқ ҳаёти».
16.00 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.20 «Меҳр кўзда».
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Саломатлик».
17.40 «Умр мазмуни».
18.00, 4.55 «Марғилон – 2000».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Ҳидоят сари».
18.40 «Ошин». Т/с.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Хонадон».
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат», (SMS. Овоз бериш).
24.00 Тунги наволар.
00.15 «Нотаниш полвон».
1.35 «Янги кун».
2.35 «Дунё таомлари».
2.55 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
4.35 «Буюк Ипак йўли».
5.05 Т/с «Шаҳзода ва канизак».
5.50 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.30 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15, 20.50 «Зерда». Т/с.
9.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.20 Таътил туҳфаси: «Денгиз аҳли».
11.40 «SMS-мусиқа».
12.00 «Пуаро». Т/с.
12.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00, 19.30 «Қор алангаси». Т/с.
16.15 «Бу байрам – барчамизники!».
16.20 «Мўйқалам сеҳри».
16.55 «Таълим ва тараққиёт».
17.10 «Бу шундай бўлган эди»
17.30 «Мўъжизавий дунё».
18.20 «Автопатруль».
18.35 «Ғазал мулки».
20.10 «Ватаним!».
20.15 «Дунё таомлари».
20.35 «Оқшом қўнғироқлари».
20.40 Эълонлар.
21.35 «Ёшлик наволари».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 Жаҳон киноси «Троя».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Келажакка интилиб».
9.50, 11.45, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
10.00, 19.30 «Музыка SMS».
10.20 В дни летних каникул «Дубравка».
11.35 «Экономическое ревью».
11.55 Кино «Как жениться и остаться холостым».
17.55 «Афиша».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.20 «Гром и молнии».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Кино «Дворовые танцы».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.05 «Малахов +».
9.05, 9.55, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
9.25 «Детективы».
10.15 «Ринг».
10.45 Рукопашный бой. Чемпионат мира.
11.15 Теннис. «Турнир Уимблдона».
12.05 «Спорт салтанати».
12.25 «Путешествия натуралиста».
18.00 «Детский спорт»..
18.15 «Музыкальный тайм».
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Печорин». Т/с.
20.55 «Новая экономика».
21.15 «Универсиада – 2007». Итоги
21.50 Дневник Чемпионата Азии по шахматам.
22.00 «Рондо».
22.45 «Ярмарка тщеславия». Х/ф.

ШАНБА 30

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 14.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
8.40, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «Шифокор қабулида».
9.20 «Мусиқа дунёси».
9.40 «Рангинкамон». «Дидар».
10.20, 20.10 «Уч бека». Т/с.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Икки тақдир». Т/с.
12.00 «Санъат – дўстликка чорлайди».
12.20 «Йўлдаги суҳбатлар».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Т/с.
13.45 «Дил таронаси».
14.20 «Хонадон».
14.45 «Ғаройиб бола». Б/ф.
16.15 «Ўйла, Изла, Топ!». «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «Шахсий фикр».
18.00 «Саломатлик сирлари».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Минг бир ривоят».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Суғурта оламида».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
21.40 «Ўзбегим ёшлари – Малайзияда».
22.40 «Маҳзун чечак». Б/ф.
23.55 Тунги наволар.
00.10 «Нотаниш полвон».
00.50 «Самарқанд – 2750».
1.40 «Янги кун».
2.40 «Йўлдаги суҳбатлар».
3.05 «Оҳанрабо».
3.45 «Фавволар».
4.35 Т/с «Майсаранинг иши».
5.35 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00, 14.30 «Янги тонг».
9.00, 13.15 «Даврнинг боласи».
9.15, 20.50 «Зерда». Т/с.
9.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.20 Таътил туҳфаси: «Қирол Шер-3».
11.35 «Кино-SMS».
11.40 «SMS-мусиқа».
12.00 «Қўшқўлоқ».
12.25 «Тасвир ва таассурот».
12.40 «Ватаним!».
12.45 «Матонат».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида».
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Қор алангаси». Т/с.
16.15 «Бу байрам – барчамизники!».
16.20 «Автопатруль».
16.35 «Марғилон – 2000 ёшда!».
16.40 «Хаёлпарастлар».
17.00 «Ер сайёраси».
17.50 «Истиқбол тимсоллари».
18.00 «Алла». В/ф.
18.25 «Каталог».
18.35 «Ғазал мулки».
19.30 «Акс».
20.10 «Дилроз».
20.40 Эълонлар.
21.40 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
21.50 «Оқшом қўнғироқлари».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 Жаҳон киноси «Троя».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Маърифат фидойилари».
9.55, 12.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист».
10.00 В дни летних каникул: «Братец медвежонок».
11.20 «Саломат бўлинг».
11.30, 19.30 «Музыка SMS».
11.55, 20.50 «Репортаж».
12.05, 17.55 «Афиша».
12.25 Кино «Дворовые танцы».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
20.20 «Гром и молнии».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Истеъдод».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Кино «Розовая пантера».

SPORT

7.30, 8.50, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
9.10 «Смак».
9.55 Живой мир.
10.45 Рукопашный бой. Чемпионат мира.
11.15 Теннис. «Турнир Уимблдона».
12.05 «Звезды мирового спорта».
12.25 Нокаут.
12.55 «Дув-дув гап».
18.00 «Жасур болалар».
18.50 «Музыкальный тайм».
19.10 «Застали».
19.25 «В яблочко».
19.40 «Звездный матч».
20.00 «Печорин». Т/с.
20.55 «Семейный досуг».
21.10 «Универсиада – 2007». Итоги.
21.50 SMS РИНГ.
22.20 SMS комедия.

ЯКШАНБА 1

O'ZBEKISTON

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 «Ахборот».
8.40, 1.30 Олтин мерос.
8.50 «Бойвачча Рич». Б/ф.
10.15 «Саломатлик сирлари».
10.35 «Уч бека». Т/с.
11.15 «Ҳандалак».
11.45 «Фидойиликка бахшида умр».
12.05 «Денгиздан томчи».
12.35 «КиноТеатр».
13.00, 14.25 «Қисмат». Б/ф.
15.45 «50/50».
16.35 «Олтин тож».
17.15, 2.35 «Интеллектуал ринг».
18.00 «Одами эрсанг»
18.20 «Саёҳатга марҳабо».
18.40 «Оҳанрабо».
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Таҳлилнома».
20.05 «Оддий ҳақиқатлар».
21.50 «Ўзбегим ёшлари – Малайзияда».
22.50 «Муҳаббат қиссаси». Б/ф.
00.10 Тунги наволар.
00.30 «Саёҳатга марҳабо».
00.50 «Самарқанд – 2750».
1.40 «Олтин тож».
2.15 «Халқ ўйинлари».
3.15 «Юнус Ражабий».
3.40 «Ҳаёт манзаралари».
3.50 «Марғилон – 2000».
4.45 Майсаранинг иши».
5.40 Тонгги наволар.

YOSHLAR

7.00 Миллий кино: «Кўргилик».
8.10 «Дунё таомлари».
8.30 «Болалар давраси».
9.00 «Якшанба нонуштаси».
9.20 «Зерда». Т/с.
10.00 «Ватанпарвар».
11.00 «Journal».
11.20 «Эверест».
12.00 Жаҳон киноси «Ноттинг Хилл».
14.00 «Қаҳҳаҳа».
14.30 Таътил туҳфаси: «Пакана Бурунбой».
15.50 «Чемпион сирлари».
16.10 «Ринг қироллари».
17.00 Таътил туҳфаси: «Затура».
18.30 «Болалар табассуми».
18.35 «Айланай».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.35 «Кўзгу».
19.55 «Табассум қил!».
20.00 «Тараннум».
20.35 «Хуш келибсиз!».
20.50 «Эълонлар».
21.00 «KINOMANIYA».
21.30 Жаҳон киноси: «Эртадан кейин»

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.35 «Гвадалупе». Т/с.
9.15, 13.05, 18.10 «Телекурьер-маркет».
9.35 «Афиша».
9.50 В дни летних каникул «Бор экан-да йўқ экан».
11.15, 13.45 «ТВ юрист».
11.20 «Интервью».
11.35 Кино «Человек амфибия».
13.25 «Истеъдод».
13.50 «Музыка SMS».
14.10 В дни летних каникул: «Крик совы».
15.45 «Саргузаштлар ороли».
16.15 Кино «Розовая пантера».
17.45 «Жозиба».
18.35 Кино «Ёр-ёр».
19.45 «Нима учун?».
20.25 «Всё о туризме».
21.00 «Кино SMS со звёздами»: «Бессонница». «Ноттинг Хилл». «Последний легион».

SPORT

7.30, 8.50 «Хабарлар».
7.50 «Бодрое утро».
9.15 «Непутёвые заметки».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Веселые старты».
11.40 Теннис. «Турнир Уимблдона».
12.30 «Вилоят спорти».
12.45 «Аптека слушает».
13.30 ПрофРИНГ.
18.00 «Народные игры».
18.20 «Музыкальный тайм».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 Дневник Чемпионата Азии по шахматам.
20.10 «Универсиада – 2007». Итоги.
20.30, 22.00 «Король ринга».
21.30 «Талкин».
23.30 Еврофутбол.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Бўка тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 16 октябрдаги 1-173-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўка тумани ИИБ ҳовлисида сақланаётган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 L 4244 бўлган, "ЗИЛ-130" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 1 380 618,80 сўм.

2. Тошкент вилояти Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 апрелдаги 10-0618/4099-сонли суд буйруғига асосан хатланган, "Шерхан-Голд" ХФга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод қ.ф.й., У. Юсупов кўчасида жойлашган, фойдаланиш майдони 32,19 кв.м. бўлган омборхона биноси арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2007 йил 10, 17, 24, 31 июль ва 7 август кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Бошланғич баҳоси – 882 003,20 сўм.

3. Тошкент вилояти Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қибрай тумани судининг 2007 йил 8 июндаги 6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Арғин-савдо" УКда сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 V 6637 бўлган, "ГАЗ-330210" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 5 000 000 сўм.

4. Тошкент вилояти Оққўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 2 ноябрдаги 11-0615/9428-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "ПМК-7" корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Озод ш/х, Олтовул участкасида жойлашган, ер майдони 2,6346 га бўлган, 1983 йилда қурилган, 2 қаватли маъмурий бино ҳамда 1984 йилда қурилган омборхона ва устахона бинолари.

Бошланғич баҳоси – 7 906 000 сўм.

5. Тошкент вилояти Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0623/13159-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти "Бекобод МТП" ф/хда сақланаётган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 AN 108 бўлган, "УАЗ-469Б" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 513 000 сўм.

6. Тошкент вилояти Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0623/13159-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти "Бекобод МТП" ф/хда сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 AN 215 бўлган, "ЗИЛ ММЗ-4502" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 675 000 сўм.

7. Тошкент вилояти Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0623/13159-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти "Бекобод МТП" ф/хда сақланаётган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 AN 202 бўлган, "ВАЗ-2121" русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси – 600 000 сўм.

8. Тошкент вилояти Бекобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 11-0623/13159-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Бекобод тумани, Навоий ф/уда сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 AN 214 бўлган,

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Мамлакат миллий чемпионатида қатнашаётган жамоалар навбатдаги учрашувларни ўтказди. Турнинг марказий учрашуви Тошкентда «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

«Кимёгар» жамоаси ўз майдонида жадвалда иккинчи ўринни банд этган «НБУ Осиё»ни қабул қилди.

Олий табақа

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Учрашувнинг 14-сониясида пахтакорчи Ринат Байрамов киритган тўп мавсумнинг энг тезкор голи сифатида қайд этилди. Пахтакорчилар 4:0 ҳисобида ғалаба қозониб, 1-ўринга кўтарилиб олдилар.

Бекободнинг «Металлург» жамоаси Самарқандда майдон эгаларига қарши баҳс юритди. Биринчи бўлим тенг курашлар остида ўтиб, 1:1 ҳисобида якунланди. Иккинчи бўлимда майдон эгалари катта устунликка эга бўлдилар ва меҳмонлар дарвозасига яна 3 тўп киритдилар.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қурувчи» – «Насаф» 3:0, «Машъал» – «Шўртан» 3:0, «Қизилқум» – «Трактор» 4:2, «Тўпаланг» – «Андижон» 2:0, «Бухоро» – «Бобкент» 1:0, «Навбаҳор» – «Локомотив» 6:2.

Навбатдаги тур учрашувлари бугун ўтказилади. «Металлург» ўз майдонида «Навбаҳор» билан баҳс юритади.

Биринчи табақа

МУҲИМ ҒАЛАБА

Майдон эгалари меҳмонлар дарвозасига 3 та жавобсиз тўп киритиб, йирик ҳисобда зафар қучдилар ва очколар сонини 25 тага етказиб, 9-ўринни банд этдилар.

«ОКМК» жамоаси Шаҳрихонда майдон эгаларига қарши баҳс юритиб, 2:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Навбатдаги тур учрашувлари 25 июнда бўлади. «Кимёгар» Ромитанда майдон эгалари билан, «ОКМК» ўз майдонида «Ғаллакор» билан куч синашади.

Талъат ЮСУПОВ.

АСАЛАРИЧИЛАР УЮШМАСИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари сони Ўзбекистон Асаларичилар ассоциацияси ҳисобига яна биттага кўпайди.

Янги бирлашманинг мақсади мамлакатимизда асаларичиликни янада ривожлантириш, маҳсулот экспорти ҳажмини юксалтириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид ишларни фаоллаштиришдан иборат.

Мазкур ассоциация раҳбари Сарвар Исломхўжаевнинг айтишича, юртимизда етиштириладиган асалнинг асосий қисми Навоий, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, Жиззах вилоятида асаларичиликни ривожлантириш имкониятлари катта. Зомин ва Бахмал тоғ ёнбағирларида етиштирилаётган асал шифобахшлиги билан машҳур. Ушбу ҳудудда фаолият юритаётган элликка яқин асаларичи ҳар йили истеъмолчиларга 35 тоннадан зиёд асал етказиб беради.

Пойтахтимизда эса, қарийб олти юз нафар асаларичи фаолият юритади. Уларнинг ҳар бирида ўртача 50-100 асалари оиласи мавжуд. Ўтган йили Тошкент ва пойтахт вилоятида тўрт юз тоннадан ортиқ асал тайёрланди. Шаҳар бозорларида бир неча маротаба "Асал байрами" савдо-ярмаркалари ташкил этилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Фанлар академияси, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент Ислом университети билан ҳамкорликда ташкил этилган "Тошкент – ислом маданияти пойтахти" мавзуидаги кўргазма очилди.

МУЗЕЙДАГИ КЎРГАЗМА

"Тошкент – ислом маданияти пойтахти" деб номланган ушбу кўргазмада моддий ва маънавий ёдгорликлар – археологик топилмалар, санъат асарлари, ҳунармандлик буюмлари, ноёб қўлёзмалар билан танишиш мумкин. Айниқса, кўргазмада намойиш этилаётган муқаддас Қуръоннинг X асрда куфий ёзувида кўчирилган нусхаси, Фаридиддин Атторнинг XV асрда настаълиқ ёзувидаги "Ситтаи Аттор", Жалолиддин Румийнинг XVII асрда кўчирилган "Маънавий маснавий", Бурҳониддин Марғинонийнинг 1600 йилда кўчирилган "Ал-Ҳидоя" каби нодир асарлари қўлёзмалари томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

– Ушбу кўргазма томошабинларда улкан ҳаяжон ва қизиқиш уйғотиши шубҳасиз, – дейди австралиялик тарихчи олим Гай Петербриж. – Ундаги ҳар бир экспонат Ўзбекистон ислом дини ривожига бемисл ҳисса қўшган кўплаб улуғ зотлар, мутафаккирлар диёри эканидан далолат бериб турибди. Айни пайтда аждодларингизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида мамлакатингизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам таҳсинга лойиқдир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Лев Толстой

РУҲОНИЙ ВА ҚАРОҚЧИ

(Бўлган воқеа)

Бир қароқчини кўпдан буён қидиришарди. Кунларнинг бирида у кийимларини ўзгартириб, шаҳарга келди. Уни миршаблар таниб қолиб, орқасидан қувлашди. Қароқчи таъқибдан қочиб, руҳонийнинг уйига келиб қолди. Эшикнинг очиқлигини кўриб, ҳовлига кирди. Хизматкор ундан нима керак, деб сўради. Қароқчи қандай жавоб қилишини билмай, хаёлига келган гапни айтди:

– Менга руҳоний керак.

Руҳоний қароқчини қабул қилиб, нима юмуши борлигини сўради. Қароқчи шундай жавоб қилди:

– Мен қароқчиман, орқамдан қувиб келишаяпти, мени яшир, бўлмаса сени ўлдираман.

Руҳоний бунга жавобан:

– Мен ёшини яшаб, ошини ошаган кекса одамман, ўлимдан қўрқмайман, аммо сенга ачинаман. Чарчаган кўринасан, анави хонага кириб, дамингни ол, сенга егулик келтиришади.

Миршаблар руҳонийнинг уйига бостириб киришга ботинишолмади.

Қароқчи бироз ўзига келгач, руҳоний унинг олдига келиб деди: – Сенга раҳмим келади, оч-юпунсан, орқангда таъқибчилар юрибди. Аммо ҳаммасидан кўра қулоғинггача гуноҳга ботиб, руҳингни увол қилаётганингга кўпроқ ачинаман. Гуноҳдан ҳазар қил!

Қароқчи шундай деди:

– Иложим йўқ энди, ўрганган одат ўлганда қоларкан. Қароқчилик қилиб яшадим, қароқчилигимча дунёдан ўтаман.

Руҳоний ҳамма эшикларини очиб қўйиб, ухлагани кетди.

Қароқчи тунда ўрнидан туриб, хоналарни айлана бошлади. Руҳонийнинг ҳеч нарсани яширмай, бунинг устига эшикларни ланг очиб қўйгани ғалати туюлди. У нимани ўғирласам экан, дея атрофга аланглади, каттакон кумуш шамдонни кўриб, ўйлади: «Мана шу нарсани ўмараман. Ўзиям анча пул турса керак, чолга тегмайман».

Қароқчи шундай қилди.

Миршаблар руҳонийнинг уйидан нари кетишмай, қароқчини пойлаб туришганди. Ташқарига чиқиши билан уни қуршаб олишди ва этагига яширилган шамдонни топишди.

Қароқчи гуноҳидан тона бошлади. Аммо, миршаблар унга жавобан шундай дейишди:

– Олдинги қилмишларингдан тонсанг ҳам шамдонни ўғирлаганингдан тонолмайсан. Ҳозир руҳонийнинг олдига борамиз, шармандангни чиқаради.

Қароқчини руҳонийнинг ҳузурига олиб келишди ва шамдонни кўрсатиб, сўрашди:

– Бу нарса сизникими?

– Меники, – деди руҳоний.

– Буни ўғирлашган, мана ўша ўғри!

Қароқчи бўлса миқ этмас, бўриникига ўхшаган кўзлари бежо эди.

Руҳоний ҳеч нарса демай, хонага кириб, ҳалиги шамдоннинг иккинчи жуфтини келтирди ва қароқчига деди:

– Нега энди шамдоннинг фақат биттасини олдинг, бутам? Ахир, сенга иккаласиниям совға қилувдим-ку!

Қароқчи йиғлаб юборди ва миршабларга қарата деди:

– Мен ўғриман, қароқчиман, олиб кетинглар мени!

Кейин у руҳонийга деди:

– Худо ҳаққи, мени кечир, гуноҳларимни сўраб ҳаққимга дуо қил...

Шодмон ОТАБЕК таржимаси.

НУФУЗЛИ МУСОБАҚАЛАР ОЛДИДАН

Республика олимпия захиралари коллежида юнон-рум кураши бўйича ўтган мамлакат чемпионатида 150 нафар спортчи саккиз вазн тоифасида гиламга чиқди.

Унда мезбонлардан Бобур Қурбонов, Хуршид Тўхтаев, Марказий ҳарбий спорт клуби аъзоси Жаҳонгир Мўминов, самарқандлик Рустам Синдоров, навоийлик Элдор Ҳафизов, бухоролик Тоймурод Турдиев, пойтахтлик Абдумалик Алиев ва Сухбат Ҳожиев шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Эслатиб ўтамиз, юнон-рум курашчиларининг жорий йилда қатор нуфузли мусобақалари режалаштирилган. Жумладан, спортчиларимиз 6-8 июль кунлари Филиппиннинг Манила шаҳрида ёшлар ўртасида ўтадиган Осиё биринчилиги, 21-26 августда Пекинда жаҳон чемпионати ва 17-23 сентябрда Боку шаҳрида катталар ўртасида Пекин – 2008 Олимпиадаси йўлланмаларини берадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

ЎзА.

Россияда тезкор шахмат – рапид бўйича ўтказилган халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Сербия ва Перудан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

ҲАМЮРТИМИЗ СОВРИНДОР

Халқаро турнир қоидасига кўра, ҳар бир партия учун 25 дақиқадан вақт ажратилди. Унда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган гроссмейстеримиз Сергей Загребельний иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди.

ЎзА.

ҚИШЛОҚЛИК МЕҲМОН

(Ҳикоя)

Тожибой тўрвақодисининг тўйини ўтказгач, бироз эмин-эркин ҳордиқ чиқармоқчи бўлди. Нима қилса экан? Бу ёғи кўклам, енгилроқ тўнини елкасига ташлаб, олисдаги жиянини йўқлаб келсамикан? Ёки шаҳардаги бирга ўқиган курсдошларининикида бир-икки кун эзилишиб, шахмат ўйнаб, бир хумордан чиқсамикан?

Шундай хаёллар билан андармон юрганида таклифнома келиб қолди. Қишлоқдоши, укаси тенги Абдусамадхон шаҳарда докторлик ишини ёқлаб, шукронасига эрталаб ош беряпти экан. Тўйдан қолган-қутган сармояни чўнтакка жойлаб, шаҳарга равона бўлди. Озроқ пулни алоҳида қилиб ўради. Қайтишда невараларига ширинликлар олишни режалади.

Эрталабки ошдан сўнг Тожибой Валижоннинг «дом»ини тўғри топиб борди. Бахтига Валижон таътилга чиқиб, нима қиларини билмай, гангиб турган экан, курсдошини кўрди-ю, кўзлари қувончдан порлаб кетди:

– Ёпирай, тушингизга кирдикми, дейман. Кеча оқшом келинингиз билан сизни ёдга олиб турган эдик. Тўй чарчоғини бирга чиқарадиган бўлибмизда.

– Шундоқ, – деди Тожибой яйраб. – Фақат шахматни пастдаги чорпояда ўйнаймиз. Тор хонада димиқиб кетасан, киши.

– Ҳа, кенг даланинг ҳавосини олган одамга бизнинг уйлар қафаснинг ўзгинаси. Сиз айтганча бўлақолсин, шахматни чорпояда ўйнаймиз, – бир нима ёдига тушгандек тараддудланди Валижон. – Фақат пастдаги бир бўйра томорқада уч-тўрт туп мевали дарахт билан ток бор. Шуни аввал бир кўздан ўтказиб берсангиз...

– Жоним билан, – деди меҳмон. – Ток қайчи билан аррани «есть» қилсангиз бас, бирпасда сочи ўрилган қиздай қиламизда.

Икковлашиб пастга тушишди. Чоғроқ томорқада оламжаҳон току мевали дарахт бор экан. Уларга ҳафсала билан шакл бергунларича кун оғди.

Бир пайт Валижоннинг қўл телефони жиринглаб қолди. У дарахт устида бамайлихотир қулоққа тутиб олиб, ҳангома қилди:

– Ака, мен ёнғоқ дарахтининг тепасидаман. Ҳа, ҳа Тожибой келган, шу ерда. Қаёқдан ис олдингиз? Сўзининг устида турадди-да. Ўша ўзимиз билган ўғил бола-да. Ундан фойдаланиб қолай, деб ётибман. Кутяпман дейсизми? Оббо, сизникини эртага давом эттирсак бўлмайдими? Йўқ эмиш. Гўшакни Тожибойга беролмайман. У ўрик тепасида, синган шохга арра соляпти. Ҳа, охирлаяпмиз.

Валижон телефонни чўнтагига солаётиб, тил ёрди:

– Азимжон гиналаяпти. Қишлокдан шаҳри азимга келиб, бир пиёла чойимни ичмаса, қаттиқ хафа бўламан, деяпти. Нима дейсиз? Тушликни уникида қиламизми?

– Тушлик қолибдими, аср вақти бўляпти-ку, – оғринди томоғи қирилиб Тожибой. – Хотирам панд бермаса Азимжоннинг ҳовлиси шаҳарнинг у бурчагида эди чоғи.

– Ўғил шўтда-ку. Уловида элтиб қўяр.

Тожибойни олиб кетаётган машинадан Валижон йўлда тушиб қолаётиб, узрини айтди:

– Биродар, менинг уч-тўрт соатлик зарур ишим бор. Ҳаялламай битказиб келсам, кейин биргамизда.

Чиндан дарвоза йўлагида Азимжон безовта, ғизғизон юрганча кутаётган экан. Уйга таклиф қилишга ҳам ҳуши бўлмай, бўсағадаёқ дарвоза ёнидаги нақд тўрт метрлик баланд сўрига чирмашиб кетган катта занг токка ишора қилди:

– Кенг даланинг беги, сиздан ўзим айланайинда, айтганим бор экан, худойимнинг ўзи етказди-ку. Шу қари токни ёшартириб берсангиз бўлди. Икки йилдирки, ҳосилини кўрмаймиз. Биласиз, халта кўтариб, бозорга боришни, азалдан жиним суймайди.

– Шошманг-да, бизни ёв қувяптими? – энсаси қотди Тожибойнинг. – Авval уйингизга кирайлик. Бир ҳовуч фотиҳа қилиб, озроқ нафасни ростлайлик. Иш бўлса қочмас. Эртага ҳам кун бор-ку.

– Ия, ана холос, – Азимжоннинг талабаликдаги тескари феъли тутди. – Валижонга айтдима, меҳмонни дарахтга чиқарма, уни абгор қилма, деб. Эртага ишга боришим зарур-да, – бироз юмшади мезбон, – бугун кечкиликда қариндошнинг тўйига тўёна олиб бориб, ўтириб келишим керак. Мана бу ишни бир ёқлик қилсак, Валижонникига бориб турардингиз. Тўйдан қайтганимни маълум қилардим. Келсангиз тунда гурунглашардик.

Даҳлизда фотиҳа ўқишга ҳоли бўлмай, Тожибой кийим-бошини ечди. Азимжон ҳозирлаб улгурган эски-тускиларни эгнига илди. Ташқаридаги нарвонга тирмашди. Қайчи тегмаган ток лўлининг сочидек тўзғиб кетган, қуриб битган бандларини арралаб олиб ташлагунича меҳмоннинг бўлари бўлди.

Азимжоннинг қамишдек бўйдор-бўйдор ўғиллари галма-гал уйдан чиқиб оталари ёнида серрайганча ишни кузатишар, қишлоқлик одамни оми фаҳмлаб арра тутишидан кулишар, сўнг қаёққадир ғойиб бўлишарди. Баланд сўридаги ток саранжомлангунча вақт алламаҳал бўлди. Меҳмон нарвондан беҳол пастлаётиб, ўзини лоҳас ҳис этди. Боши гир-гир айланиб, кўзлари тинди. Бундоқ ўйласа, кун бўйи қўли ишдан бўшамай, туз тотмабди.

Тожибой апил-тапил кийиниб, йўлга отланди.

– Валижонникига бориб турасиз-да, мен тўйдан қайтсам...

Азимжоннинг гапи оғзида қолди. Меҳмон кун бўйи нарвонга тармашатармаша толиқиб, қатъий тўхтамга келганди:

– Йўқ, биродар, қишлоққа қайтаман. Бу ерда менга иш қолмади.

– Нега ундай дейсиз? Ҳовлидаги ярим бўйра ерни ағдариб қўйганман. Қолсангиз, шу ерга жўяк олиб берардингиз. Келинпошша хурсанд бўлиб, егуликка ул-бул сепиб қўярмиди.

Тожибой ич-ичидан сизиб чиқаётган бетизгин туйғуларини ҳозир, шу топда ошкор қилишга ҳоли етмас, меҳмон мақомида иззат кўрмаганидан дили оғриганча, чурқ этмай, бекат томон юриб борарди.

Меҳмон таксига ўтираётганида Азимжон мулозамат қилган бўлди:

– Қуруқ кетяпсиз, бундоқ ўтириб, ёзилиб чой ичмадик. Шунақа тез-тез келиб туринг...

Шоҳбекатга етиб келган меҳмон автобус томон юрди. Йўл-йўлакай невараларимга совға оларман, деб алоҳида ўраб қўйган пулга қўл солди-ю, тўхтаб қолди. Чўнтаги бўм-бўш, пулсиз рўмолча эса, ҳафсала билан тахлаб қўйилган эди.

Кун бўйи меҳнатдан толиққан Тожибойнинг вужуди бир лаҳза музга айлангандек бўлди. Мардикордан баттар ишлагани бир сари, уйдаги кўз қароғлари ризқига ҳам ҳамла қилинганидан ерга киргудек эзилиб, автобус зинасига қадам қўйди...

Собиржон ИНОМОВ.

Шундан кейин

ЁҚИЛҒИСИ СУВ БЎЛАДИ

Ҳиндистонда водород билан ишлайдиган двигателли автотранспорт воситалари қатновини йўлга қўйиш дастури амалга оширилади, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Маълумотларга қараганда, 2020 йилга бориб, мамлакат кўчаларида бундай автомобиллар сони миллионга етади. Дастурни амалга оширишдан кўзланган мақсад атроф-муҳитни муҳофаза этишдан иборат.

Хабарларга кўра, "Водород энергетикасининг миллий йўл харитаси" мавзуидаги лойиҳага мувофиқ, асримизнинг учинчи ўн йиллиги бошида Ҳиндистон йўлларида водород билан ҳаракатланадиган 750 мингта "уч ғилдиракли арава" пайдо бўлади. Бу экологик жиҳатдан анча фойдали.

ЭНГ КЕКСА ГУРУҲ

Буюк Британияда "Зиммерс" номли гуруҳ аъзолари ижро этган "Мининг авлодим" айни вақтда мамлакатдаги энг машҳур қўшиқдир.

Қизиғи шундаки, мазкур гуруҳ таркибини етмиш ёшдан юз ёшгача бўлган қариялар ташкил қилади. Маълумотларга кўра, "Зиммерс" дунёда ёш жиҳатдан энг кекса гуруҳдир. Масалан, унинг яккахон ижрочиси тўқсонни қоралаган. Барабан юз яшар қарияга ишониб топширилган. Умуман, гуруҳдагиларнинг ўртача ёши етмиш саккизга тенг. Кузатувчиларнинг фикрича, гуруҳ айниқса, шу жиҳати билан томошабинлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

ОЧ ҚОЛГАН ФИЛ

Покистоннинг Лаҳор шаҳридаги ҳайвонот боғи раҳбарияти ёрдам сўраб бадавлат кишиларга мурожаат қилди.

Хабарларга қараганда, бунга Сузи лақабли фил сабабчи бўлган. Ҳайвонот боғи раҳбарининг сўзларига кўра, оч қолган фил ғазабдан унга емак ташлаётган томошабинга ҳамла қилган. Унинг айтишича, ҳайвонларни, айниқса, филларни боқиш катта маблағ талаб қилади ва бунга боғнинг қурби етмайди.

Рассом хандаси

Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

Собир Раҳимов туманидаги «KOINOT VA MAKS» масъулияти чекланган жамияти (ОКПО 04420118) ўзининг Устав жамғармасини 150 000 000 (бир юз эллик миллион) сўмдан 144 000 000 (бир юз қирқ тўрт миллион) сўмга камайтираётганлигини маълум қилади.

Тел.: 315-58-97.

Собир Раҳимов туман ДСИ томонидан 2003 йил 29 январда Боймухамедова Шохиста Толиповна номига берилган чакана савдо фаолияти билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорлик даромадлар ва товар операцияларни ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный диплом № 27370 выданый в 1998 году Ташкентским электромеханическим техникумом на имя Хан Анжелы Валентиновны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Наркабилова Камола Марденовна номига 2005 йил 13 декабрда берилган А. Икромов тумани, Чилонзор 31-квартал, 45-уй 24-хонадонга тегишли Р № 3129 рақамли уй план ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Миробод туманидаги "ABDULXAY XIDOYAT" масъулияти чекланган жамияти ўзининг Устав жамғармасини 40130000 сўмдан 26000000 сўмга камайтираётганлиги маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 4-тупик, 8-уй манзилида қабул қилинади. Тел: 191-19-16.

Ликвидационное производство по ОАО «Чирчиксут», зарегистрированному по адресу: Ташкентская область, г. Чирчик, проспект Захириддина Бабура, 3 (ИНН 200946479), на основании определения Хозяйственного суда Ташкентской области от 28 апреля 2007 г. по делу № 11-0515/4952 завершено.

Решением хокима г. Чирчика от 18 июня 2007 г. ОАО «Чирчиксут» выведено изединого Государственного реестра юридических лиц.

Шайхонтоҳур туманидаги «VEK» ЁАЖ (ОКПО 15329272) «VEK» МЧЖга айлантирилмоқда.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ҳафта давомида 124-71-48 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ташкилот «AGRIKO» (Голландия) компанияси тайёрлаган эскорт, дитта, эстима, романо, маркиз, кондор, марлен, маранка, марфона, дизерс ва бошқа биринчи репродукцияли элита ҳамда суперэлита навли картошка уруғларини нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан харид қилишни таклиф этади.

Уруғлик картошка қуйидаги манзилдаги омборхонада сотилади: Зангиота тумани, Назарбек қишлоқ фуқаролар йиғини, Лойиҳачи кўчаси, 7-уй. (Мўлжал: Назарбек божхона пости).

Маълумот учун телефонлар:
162-43-99, 162-40-99, 700-03-77, 333-33-22.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 6884. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5